

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕГБЎТАЕВ АЗЗАМ ЭШПЎЛАТОВИЧ

**ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ SMART-ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Бегбўтаев Аззам Эшпўлатович

Тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялар асосида ўқитиш
методикаси3

Бегбутаев Аззам Эшпулатович

Методика преподавания дисциплины “Сетевые технологии” на основе
SMART-технологий.....23

Begbutaev Azzam Eshpulatovich

The teaching methodology of the discipline “Network Technologies” based on
SMART-technology.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕГБЎТАЕВ АЗЗАМ ЭШПЎЛАТОВИЧ

**ТАРМОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ SMART-ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда халқаро ташкилотлар (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТ) ва ривожланган давлатлар (Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия ва бошқалар) томонидан қабул қилинган 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида таълимнинг жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи муҳим омил эканлиги таъкидланиб, сифатли таълим бериш учун виртуал таълим технологиялари, оммавий онлайн очик курслар, мобил таълим технологиялари, таълимни бошқариш тизимлари ҳамда электрон таълим моделларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлиги, таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, касбий компетенцияларини шакллантиришда ахборот–коммуникация технологиялари негизда яратилган замонавий электрон ўқитиш воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Бугунги кунда дунёда ахборот–коммуникация технологиялари ривожланиш индекси (ICT Development Index) бўйича етакчилик қилаётган давлатларда (Жанубий Корея, Дания, Швеция, АҚШ, Сингапур) таълим соҳасида ўқитишнинг ташкилий-методик асосларини тадқиқ қилишда интегратив ёндашувли интерфаол методлар ва SMART-технологияларини жорий этишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Тадқиқот натижалари SMART-технологиялар асосида тармоқ технологиялари фани бўйича машғулотларни ўтказишда қўллаш учун оптимал ёндашувлар билан боғлиқ илмий ишланмалар қўламини оширишга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириб, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳон амалиётига асосланган олий таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, узлуксиз таълим амалиётига инновацияларни жорий этишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, уларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш” каби устувор вазифалар қайд этилган.¹ Бу борада педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг тармоқ технологиялари бўйича касбий билим ва компетенцияларини ривожлантириш учун тармоқ технологиялари фанини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-4947-сон. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б.38.

SMART-технологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш ҳамда интеграциялашган таълим муҳити моделини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4672-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши ва ҳаётга татбиқ этилишига мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий – маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий-методик асослари, электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва таълим жараёнида қўллаш бўйича республикамизда М.М.Арипов, У.Ш.Бегимқулов, Ф.М.Закирова, М.Х.Лутфиллаев, М.М.Мамаражабов, Д.Н.Маматов, Н.И.Тайлақов, С.Қ.Турсунов, М.Р.Файзиева ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган. Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларида ушбу соҳада А.А.Антоников, Л.М.Ивкина, А.Ю.Михайлишин, Ю.А.Горохова, Н.Г.Сабитова, А.Е.Сатунина Хорижда эса J.Nylander, F.Olsen, Q.Zondervan, M.Soni, D.Evans каби олимларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Таълим жараёнида булутли технологиялар, SMART-технологиялари ва IoT (Internet of things) каби воситаларни қўллашнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда SMART-таълим концепцияси бўйича мамлакатимиз олимларидан А.А.Абдуқодиров, О.А.Парпиев, Р.К. Комилов, Б.Б.Эловлар, Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларида И.Г.Борисенко, К.Н.Данилов, Н.В.Днепровская, А.Гальчук, Р.В.Киричек, А.А. Алетдинова, А.В.Ширяй,

Г.А.Поллак, Ж.Д. Мамыкова, В.П.Тихомиров, А.А.Кайгородцев; хорижий тадқиқотчилардан М. В.Аbbasy, P.G.High, M.A.Feki, M.J.Timms, H.Nakashima, S.Agarwal, Q.Zondervan, R.M.Chory, I.Kamar, Jinjiao Lin, Zhu Zhitingларнинг илмий ишларида ўрганилган. Шунингдек, тармоқ технологиялари фанини ўқитиш муаммоларига доир мамлакатимиз олимларидан М.М.Мусаев, Х.Н.Зайниддинов ва И.А.Юлдошевларнинг, Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларидан О.И.Ляш, Н.И.Рыжова, Р.В.Киричек, В.Г.Олифер, В.Г.Кобылянский, В.Е.Бельченко, И.В.Роберт ва хориж мамлакатлари олимларидан Q.Ouyang, F.Kurose, T. Zhang, M.De Domenico, A.Tanenbaum ларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Мавжуд назарий манбаларнинг таҳлили бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялар ёрдамида интеграциялашган ўқув муҳитида ўқитиш методларини такомиллаштириш монографик асосида педагогик муаммо сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-2014-0910154408 “Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникацион муҳитни яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогика олий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тармоқ технологиялари фани ўқитилишининг мавжуд ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш асосида унинг мазмунини замонавий тармоқ технологиялари тушунчалари билан бойитиш;

SMART-технологияларининг дидактик имкониятлари таҳлили асосида тармоқ технологиялари фани ўқитиш воситаларини такомиллаштириш;

талабаларнинг тармоқ технологиялари фанига оид билим, кўникма ва касбий компетенцияларини баҳолаш мезонларини аниқлаштириш;

тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялар асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогика олий таълим муассасалари “5110700 - Информатика ўқитиш методикаси” бакалавриат йўналишида тармоқ технологиялари фанини ўқитиш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети педагогика олий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялар асосида ўқитишнинг мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, психологик ва методик манбалар ва адабиётлар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув – меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув – методик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат,

ташхислаш, сўровнома, тест), тажриба-синов, тажриба натижаларини математик статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

тармоқ технологиялари фанининг мазмуни талабаларда касбий компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган булутли технологиялар, IoT–буюмлар интернет, NB-IoT технологияси, Smart Campus, LPWAN ва LoRaWAN, симсиз тармоқ технологиялари (Wibree, ZigBee, UWB, Wireless HD) каби замонавий тармоқ технологиялари тушунчаларини киритиш орқали бойитилган;

талабаларда тармоқ технологиялари бўйича касбий компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотларнинг ўқув-ташкилий тузилмаси ҳамкорликда ўқитиш методлари ва SMART–технологияларнинг техник (Smart Digital Podium, Smartboard) ҳамда дастурий (SMART Notebook, SMART Meeting Pro, SMART Bridgit) воситаларини ўқув босқичларини даражалашга кўра интеграциялаш орқали такомиллаштирилган;

тармоқ технологиялари фанига оид билим, кўникма ва касбий компетенцияларни баҳолаш мезонлари (интеллектуал, фаолиятли ва мотивацион) мазмуни ўқув жараёнини талабаларнинг индивидуал кўрсаткичлари асосида назорат қилиш ҳамда мониторингини олиб боришнинг интерактивлик, мослашувчанлик, мобиллик ва тезкор қайтар алоқани таъминлаш имкониятларга эга онлайн дастурий воситаларини (SMART Responce, Kahoot) қўллаш асосида аниқлаштирилган;

талабаларнинг тармоқ технологиялари фанидан мустақил таълимни ташкил этишга йўналтирилган электрон дидактик материалларнинг (медиаресурслар, веб-сайт ва тармоқ симулятор дастури) ўзаро интеграциялашган таълим муҳити ҳамда «Flipped classroom» методининг дидактик имкониятлари асосида касбий компетентликни ривожлантиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасаларининг “5110700 - Информатика ўқитиш методикаси” бакалаврият таълим йўналиши ишчи ўқув режасининг умумкасбий фанлар блокига киритилган тармоқ технологиялари фанининг SMART-технологияларга асосланган мазмуни ва унинг ўқув - методик таъминоти такомиллаштирилган;

тармоқ технологиялари фанига доир медиаресурслар, веб-сайт, симулятор дастури, интерактив онлайн ташхис-назорат воситалари ва LMS Moodle ни ўз ичига олган интегратив электрон ўқув қўлланма яратилган;

тармоқ технологиялари фанининг назарий, лаборатория ва амалий машғулотлар мавзулари мазмунини такомиллаштириш ва бойитишда “Тармоқ технологиялари” номли ўқув қўлланма, тематик веб-сайт (www.tartex.uz), мобил илова ва тармоқ технологиялари фанидан лаборатория машғулотлари” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги расмий манбалардан олинган ёндашувлар, назарий маълумотлар ва усулларни қўллаш, таҳлиллар

ва экспериментал ишларнинг репрезентативлиги, математик-статистик таҳлил методлари воситасида олинган натижаларнинг асосланганлиги, берилган хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим жараёнини SMART-технологиялар асосида такомиллаштирилган ҳамда интеграциялашган таълим муҳити моделини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида SMART-технологиялари асосида тармоқ технологиялари фанини ўқитиш мазмунини такомиллаштиришда, малака талабларини ишлаб чиқишда ҳамда интеграциялашган таълим муҳити учун ўқув – услубий материалларни яратиш ва таълим жараёнида фойдаланишда, ўқитишнинг замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқишда ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялари асосида интеграциялашган ўқув муҳитида ўқитишни амалга оширишнинг методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

тармоқ технологиялари фанининг булутли технологиялар, IoT–буюмлар интернет, NB-IoT технологияси, Smart Campus, LPWAN ва LoRaWAN, симсиз тармоқ технологиялари каби замонавий ахборот-коммуникация технологиялар компонентлари асосида такомиллаштирилган мазмуни “5110700 - Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши малака талаблари мазмунида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 89-03-1883-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда замонавий тармоқ технологиялари билан ишлашга оид билим, кўникма ва касбий компетенциялар шаклланган ҳамда таълимни рақамлаштириш шароитида ўқитиш самарадорлигининг ошишига эришилган;

тармоқ технологиялари фанининг такомиллашган мазмуни, SMART-технологияларга асосланган интеграцияланган ўқув муҳитида ўқитиш методикаси, ҳамкорликда тармоқ таълим ресурслари ёрдамида дарс машғулотларини лойиҳалаш ва ўқув жараёнига жорий этиш, тармоқ технологияларига оид билимларни баҳолаш мезонларига оид таклифлар “Тармоқ технологиялари” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта – махсус таълим вазирлигининг илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сон қарори, №676-498). Натижада, ота-оналар, ўқитувчи ва талабалар ўртасида интерактив алоқани таъминлаш, уларнинг билимларини назорат қилиш, ўқув жараёнини методик таъминлаш имконияти юзага келган;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва SMART-технологияларга асосланган ўқитиш усуллари ҳамда воситалари бўйича таклифлар ПЗ-2014-0910154408 – “Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-коммуникацион муҳитни яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш” мавзусидаги амалий лойиҳасини бажариш ва унинг илмий хулосаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг 2020 йил 3 мартдаги 01/15-09/66-сон маълумотномаси). Натижада ахборот-таълим муҳити такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (7 та республика ва 2 та хорижий журналда) нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун давлат интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий – тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганганлик даражаси баён этилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Тармоқ технологиялари фанини ўқитишда SMART-технологияларидан фойдаланишнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда жаҳонда SMART-технологиялар таълим самарадорлигини ошириш воситаси сифатида қўлланилиши, хориж, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва ватанимиз педагогика олий таълим муассасаларида “Тармоқ технологиялари” фанини ўқитишнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари, тармоқ технологиялари фани мазмунини SMART-технологиялар асосида такомиллаштириш илмий – методик нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

SMART - жамият олий таълим муассасалари олдида замонавий фикрлаш ва ишлаш имкониятига эга креатив салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш

каби глобал вазифалар қўймоқда. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш, фойдали ахборотларни излаш ва танлаш, электрон манбалар билан ишлаш, ўқув жараёни муҳитини ўзгартиришни талаб этувчи шахсий маълумот базасини яратиш ва лойиҳалаш каби касбий компетенцияларни шакллантиришни тақазо этади.

А.А.Абдуқодировнинг таъкидлашича: Smart-таълим – моҳият жиҳатдан янги таълим муҳитидир; бутун жаҳон билимларни фойдаланиш ва пассив контентдан фаол контентга ўтиш учун ўқитувчи, мутахассис ва талабаларнинг кучларини, яъни таълим фаолиятини бирлаштиришдир. Smart-таълим – инновациялар ва интернетдан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёнидир; у тизимли кўп ўлчовли кўриш ва кўп аспектлилиги ва янгиланишининг узлуксизлигини эътиборга олган ҳолда предметларни ўрганиш асосида касбий компетенциялар эгаллашга имконият беради. Биз ўз тадқиқотларимизда А.А.Абдуқодировнинг ушбу фикрини SMART-таълим учун ишчи таъриф сифатида қабул қилдик.

Бизнинг нуқтаи назаримизча педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашда SMART-технологиялар асосида тармоқ технологиялари фанини ўқитиш муҳим ўринга эга.

Тадқиқотда бўлажак информатика ўқитувчиларини бугунги ахборотлашган жамиятда рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлашда тармоқ технологиялари фанининг аҳамияти ва ҳозиргача ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммоларни ҳал этиш йўллари асосланди. Республикамиз педагогика олий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари” фанини ўқитишнинг бугунги ҳолатини ўрганиш мақсадида “5110700 - Информатика ўқитиш методикаси” бакалаврият таълим йўналиши малака талаби, ўқув режаси, фан дастури ва унинг мазмуни таҳлил қилинди. Бу соҳада Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидаги педагогика олий таълим муассасалари тажрибалари ҳам илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганилиб таққосланди. Хорижий давлатлар ва Республикамиз педагогика олий таълим муассасаларида ўтиладиган “Тармоқ технологиялари” ўқув фани бўйича фан дастурларидаги маъруза, лаборатория ва мустақил таълим мавзулари мазмунини таҳлил қилишда алгебраик тўпламлар назариясининг Эйлер-Венн диаграммаси қўлланилди.

Таҳлиллар асосида республикамиз педагогика олий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари фани мазмунида замонавий билимлар киритилмаганлиги, ўқув машғулотлари инновацион таълим технологиялари ва SMART-технологиялар асосида ўтилмаганлиги маълум бўлди.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун биринчи навбатда тармоқ технологиялари фани бўйича Б.Блум таксономияси асосида талабаларнинг билим ва кўникмалари аниқланди:

1. Билиш: Б1 - Компьютер тармоқларини қуриш тамойилларини билиши;

Б2 - Очiq тизимларнинг ўзаро таъсири учун эталон модели ва тармоқ даражаларини билиши;

- Б3 - Замонавий тармоқ технологиялари компонентларини билиши.
2. Тушуниш: Т1 – Замонавий тармоқ қурилмаларининг вазифалари ва фойдаланиш усуллари тушуниши;
Т2 - Тармоқ технологияларининг таълимдаги ўрни тушуниши.
3. Қўллаш: Қ1 – Замонавий тармоқ технологиялари ёрдамида мактаб компьютер тармоқларини лойиҳалаш ва қўллаш;
Қ2 – Таълимда тармоқли ҳамкорлик алоқаларини ташкил этишда замонавий тармоқ технологияларини қўллаш.
4. Таҳлил: ТЛ1 - Тармоқ технологиялари стандартларини таҳлил қилиш;
ТЛ2-Замонавий тармоқ технологиялар компонентларининг ўзаро боғлиқлик ва муносабатларини ўрнатиш, яхлитликни ташкил этувчи тамойилларини аниқлаш.
5. Синтез: С1- Тармоқ технологияларининг янги компонентларини ҳосил қилиш мақсадида берилган қисмларини умумлаштириш;
С2 – Компьютер хонасида тармоқларни яратиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.
6. Баҳолаш: БШ1 - Тармоқларини лойиҳалаш бўйича муносабат билдириш;
БШ2 - Тармоқнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш ҳамда асослаш;
БШ3 - Муайян мезонларга асосан ечим тақдим этиш ва баҳолаш.
- Тадқиқот давомида тармоқ технологиялари фанининг такомиллаштирилган мазмуни тақлиф этилди (1-жадвал).

1- жадвал.

Тармоқ технологиялари фанининг такомиллаштирилган мазмуни

№	Мавзулар	Компетенция	Соат				
			Жами	Маъруза	Амалий	Лаборатория	Мустақил таълим
1	1-Модул. Тармоқ технологияларига кириш. 1.1.Ахборот-коммуникация технологиялари. 1.2. Компьютер тармоқлари. Асосий таркибий қисмлари ва дастурий таъминоти. 1.3. Очiq тизимларнинг ўзаро таъсири учун эталон модели.	Б1 Б2 Б3 Т1 Т2 ТЛ1	18	6			12
2	2-Модул. Физик ва каналли даражалар. 2.1. Маълумотларни узатишнинг назарий асослари. 2.2. <i>Симсиз тармоқ технологиялари (Wibree, ZigBee, UWB, Wireless HD). Bluetooth архитектураси.*</i>	Б2 Б3 Т1 ТЛ1 Қ1 С1 БШ2	20	4	2	2	12

3	3-Модул. Тармоқ даража. 3.1. Тармоқ сатҳи. Маълумотларни узатиш усуллари. Пакетли коммутация. 3.2. Локал тармоқларини моделлаштириш. 3.3. IP манзили ва уни ажратиш усуллари. Манзилларни таснифлаш.	Б2 Т1 ТЛ1 Қ1 С1 БШ2	48	6	12	8	22
4	4-Модул. Транспорт даражаси протоколлари. 4.1. UDP протоколи. Уланишларни ўрнатмасдан хизматларни амалга ошириш. 4.2. TCP протоколи. TCP/IP стеки архитектураси. ARP ва ICMP протоколлари. RARP маршрутизация.	Б2 Т1 ТЛ1 Қ1 С2 БШ2	12	4	2		6
5	5- Модул. Амалий даража. 5.1. Интернет ва унинг хизматлари. Амалий протоколлар даражаси. RIP, SIP, RTP ва RTCP реал вақт протоколлари. VoIP иловалар. Мултимедия хизматларини қўллаб-қувватлаш. 5.2. <i>Булут технологиялари*</i> 5.3. <i>SMART -технологиялар. IoT – буюмлар интернети. LPWAN ва LoRaWAN технологиялар. NB-IoT технологияси. Smart Campus. Microsoft Azure дастури.*</i>	Б2 Б3 Т1 Т2 ТЛ2 Қ1 С1 С2 БШ1 БШ2 БШ3	62	6	20	8	28
6	6-Модул. Такдимот даража. Тармоқ ҳавфсизлиги. 6.1.Тармоқ ҳавфсизлиги асослари. Тармоқдаги ҳавф турлари. Маълумотга кириш усуллари. 6.2.Тармоқда маълумотлар ҳавфсизлигининг ускунавий ва дастурий таъминоти.	Б2 Т1 ТЛ1 Қ1 С2 БШ2 БШ3	20	4	6	2	8
Жами			180	30	42	20	88

* - Янги киритилган мавзулар

Диссертациянинг “Тармоқ технологиялари фанини ўқитишда SMART-технологиялардан фойдаланиш методикаси” деб номланган иккинчи бобида SMART-технологиялар асосида интеграциялашган таълим муҳитини лойиҳалаш, шакллантириш ва самарали фойдаланишни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, тармоқ технологиялари фани бўйича яратилган интегротив электрон ўқув қўлланмани SMART-технологиялари асосида таълим жараёнига қўллашда интеграллашган ўқув муҳитининг тузилиши ишлаб чиқилган (1-расм).


SMART-технологиялар асосида яратилган интеграциялашган ўқув муҳити тармоқ технологиялари фанини ўқитиш моделини ишлаб чиқишга асос бўлди (2-расм).



1 – расм. SMART-технологиялар асосида яратилган интеграциялашган таълим муҳити

Мазкур SMART-технологиялар асосида тармоқ технологиялари фанини ўқитиш моделининг таркибий қисмлари (мақсадли, технологик, ўқув жараёни, баҳолаш, натижавий), интеллектуал, фаолиятли ва мотивацион малака даражаларини оптимал уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилди.

Мақсадли компоненти фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб беради. Технологик компонент ўқув муҳитини техник таъминловчи қурилма ва технологиялардан иборат. Ўқув жараёни компоненти ўқитишнинг шакллари, усул ва воситаларининг ўзаро қўлланилиш усулларини таъминлайди.




2- расм. SMART-технологиялар асосида тармоқ технологиялари фанини ўқитиш модели

Жумладан, маъруза машғулотларида жамоавий ҳолда «Flipped classroom» ва муаммоли методлар қўлланилади; лаборатория ва амалий машғулотлари ҳамкорлик шаклида ташкил этилиб, лойиҳалаш ва муаммоли методлар; мустақил ишлар якка тартибда амалий шаклда лойиҳалаш ва муаммоли методлар ёрдамида амалга оширилади.

Дастурий, техник ва методик воситалар биргаликда қўлланилади. Баҳолаш компоненти интеллектуал, фаолиятли ва мотивацион мезонлар асосида шаклланиб, репродуктив, продуктив ва ижодий даражалар билан баҳоланади.

Smart-технологиялар асосида ташкил этиладиган таълим жараёнининг функционал тузилмаси яратилиб, унда талабанинг ўқув-билиш фаолияти очиқ берилган (3- расм).



3- расм. Smart-технологиялар асосида ташкил этилган таълим жараёни тузилмаси


Интеграциялашган таълим муҳитида талаба мустақил равишда ўз эҳтиёжи, қизиқиши ва интилишига кўра билим ва кўникмаларни эгаллашга интилади. SMART-технологияларга асосланган интеграцион муҳит мослашувчан таълимни таклиф этиб, тингловчининг мустақил билим олишини, тадқиқотчилик ва лойиҳаловчилик фаолиятини ташкил этишга шароит яратади.

Тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялар асосида маъруза машғулотларини ташкил этишнинг тақсимланган, яъни “Flipped classroom” методи асосида олиб бориш методикаси такомиллаштирилди. Бунда талабалар ўрганиладиган янги мавзуни дарс бошланишидан олдин мустақил ўқийдилар, дарс вақтида эса дастлаб Smart Response ёки Kahoot ёрдамида

интерактив тарзда мавзуга оид амалга ошириладиган онлайн тестлар ёрдамида мавзу режалари кесимида билимлар аниқланиб, тезкор таҳлил қилинади.

Талабалар тест натижаларига кўра назарий маълумотларни ўзлаштира олмаган мавзуларга алоҳида эътибор ажратилиб, уларга оид кенгроқ тушунчалар ва тўлиқ маълумотлар келтирилади. Бу эса уларга янги билимларни ўзлаштиришга имконият яратади.

“Flipped classroom” методи асосида Б.Блум таксономиясини қўллаб жорий этишдаги муҳим босқичлар тавсия этилди (4- расм).



4-расм. “Flipped classroom” методида Б.Блум таксономиясининг қўлланилиши

Бунда талабаларга дарс вақтидан ташқари қуйи даражадаги когнитив ишларни (билим олиш) мустақил равишда бажаришни ва кейинчалик уларни юқори даражадаги когнитив ишларга (амалий дастурлар, таҳлиллар) жалб қилишни таклиф қилинди. Дарс машғулоти давомида талабалар ўзаро ва ўқитувчи ҳамкорлигида таълим фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Талабаларнинг мустақил билим олишини ташкил этиш, замонавий билимларни беришнинг муҳим вазифалари, мавзуларни ўзлаштириш учун зарур бўлган ресурслар ва ишлатилган дастурий таъминот бўйича кўрсатмалар тақдим этилди. Талабалар масофадан туриб фанни мустақил ўрганиши, интеграциялашган виртуал ўқув муҳитида жамоавий ва индивидуал ҳолда ишлаши, интерфаол таълим саҳифалари ва виртуал маслаҳатлардан самарали фойдаланадилар.

Диссертациянинг “**Педагогик тажриба - синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари**” деб номланган учинчи бобида SMART-технологиялар асосида педагогика олий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш методикасини жорий этиш билан боғлиқ таҳлил ва натижалар келтирилган.

Тажриба-синов ишлари базаси сифатида Қўқон давлат педагогика институти (ҚДПИ), Навоий давлат педагогика институти (НавДПИ) ва Жиззах давлат педагогика институти (ЖДПИ) танланди. Тажриба-синов ишлари 5110700 - информатика ўқитиш методикаси бакалавриат таълим йўналиши талабалари билан 2016-2019 йиллар мобайнида танланган олий таълим муассасаларида уч босқичда, яъни, тайёргарлик (2016–2017 йй.), амалга ошириш (2017–2018 йй.) ва якуний (2018–2019 йй.) босқичларда амалга оширилди.

Тажриба – синов ишида жами 215 та талабалар, жумладан, назорат гуруҳи учун 108 нафар, тажриба гуруҳи учун 107 нафар 2- курс талабалари жалб этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тажриба-синовда иштирок этган талабалар сони

Олий таълим муассасалари	Жами талабалар сони	Назорат гуруҳидаги талабалар сони	Тажриба гуруҳидаги талабалар сони
ҚДПИ	42	22	20
НавДПИ	70	35	35
ЖДПИ	103	51	52
Жами	215	108	107

Талабаларнинг билим ва касбий компетенцияларини шакллантирилганлик даражасини баҳолаш мезонлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Талабаларнинг тармоқ технологиялари фанидан касбий компетенцияларининг шаклланиш даражасини баҳолаш мезонлари

Мезон	Даражалар	Компетенция	Кўрсаткичлар тавсифи
Интеллектуал	Репродуктив	Б1 Т1	Фанга оид асосий тушунчалар, жараёнлар ва тармоқ даражалари ҳақида назарий билимлари етарли эмас. Замонавий тармоқ технологиялари компонентларни билиш даражаси паст.
	Продуктив	Б2 Б3 Т2 С1	Компьютер тармоқларидан фойдаланиш бўйича назарий билимлари мавжуд. Фан мазмунига киритилган замонавий тармоқ технологиялари компонентлари ҳақида маълумотга эга.
	Ижодий	Б2 Б3 Т2 ТЛ2 С2	Фан мазмунига киритилган замонавий компонентларни чуқур билади ва моҳиятини тушунади. Касбий ва фанга оид мустақил мушоҳада юритади ҳамда билимларини бошқа соҳаларга ҳам қўллай олади. Касбий компетентлиги юқори даража.


Фаолиятли	Репродуктив	T2	Компьютер тармоқларини амалий яратишда кўрсатмаларга таянади, тармоқ лойиҳаларини мустақил ярата олмайди.
	Продуктив	Қ1	Фанга оид билимлардан амалий фаолиятда фойдалана олади, қисман мустақил мушоҳада юритади ҳамда тармоқ лойиҳасини мустақил ярата олади.
	Ижодий	Қ2	Компьютер тармоғининг лойиҳаларини таҳлил қила олади ва мустақил малака ва кўникмаларга эга. Гуруҳлаш, ҳамкорлик қилиш қобилияти ва касбий компетентлик юқори даража.
Мотивацион	Репродуктив	БШ1	Фанни ўрганиш мотивацияси суст, ўқув жараёнида шакллантириладиган компетенцияларни намоён қилишга тайёр эмас ва амалий топшириқларни мустақил бажара олмайди.
	Продуктив	БШ2	Фан бўйича билим-кўникмаларини мустақил ривожлантиришга, амалий топшириқларни индивидуал бажаришга эҳтиёжи ва қизиқиши етарли.
	Ижодий	БШ3	Тармоқ технологияларини ўрганишга қизиқиши барқарор, ўз касби соҳасида билим-кўникмаларини мустақил шакллантириб ривожлантира олади. Касбий компетентлиги юқори даража.

Тажриба-синов ишларининг бошида ва охирида талабалар билими ва касбий компетентликнинг шаклланганлиги бўйича тажриба ва назорат гуруҳларида ташхис натижалари олинди (4-жадвал).

4-жадвал

Тажриба-синов ишлари натижалари бўйича талабалар кўрсаткичлари

Тажриба-синов бошида						
Даражалар	Интеллектуал		Фаолиятли		Мотивацион	
	<i>Тажриба гуруҳи</i>	<i>Назорат гуруҳи</i>	<i>Тажриба гуруҳи</i>	<i>Назорат гуруҳи</i>	<i>Тажриба гуруҳи</i>	<i>Назорат гуруҳи</i>
Ижодий	14 (13%)	14 (13%)	12 (11%)	13 (12%)	13 (12%)	15 (14%)
Продуктив	39 (36%)	43 (40%)	42 (39%)	45 (42%)	37 (35%)	41 (38%)
Репродуктив	54 (51%)	51 (47%)	53 (50%)	50 (46%)	57 (53%)	52 (48%)
Тажриба-синов охирида						
Ижодий	22 (21%)	13 (12%)	19 (18%)	12 (11%)	20 (19%)	11 (10%)
Продуктив	61 (57%)	45 (42%)	59 (55%)	46 (43%)	62 (58%)	42 (39%)
Репродуктив	24 (22%)	50 (46%)	29 (27%)	50 (46%)	25 (23%)	55 (51%)



3-расм. Тажиба-синовидан сўнг талабаларнинг кўрсаткичлар даражалари диаграммаси.

Тадқиқот натижаларининг тўғрилигини тасдиқлаш учун Стъудент томонидан ишлаб чиқилган оралиқлар назоратига асосланган мувофиқлик мезони қўлланилди. Олинган натижаларнинг ишончлигини баҳолашда эса педагогик тажибадаги тасодифий миқдорнинг ўрта арифметик қиймати, самарадорлик кўрсаткичи, ўртача ишонч оралиғи, ўртача қиймат стандарт хатолиги, аниқлаш кўрсаткичи, Стъудент статистикаси аниқланди. Педагогик тажиба натижаларининг умумий статистик таҳлили 5 - жадвалда келтирилган.

5 - жадвал

Педагогик тажибаларнинг умумий статистик таҳлили

Мезон	Кўрсаткичлар	Тажиба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		Бошида	Охирида	Бошида	Охирида
Интеллектуал	Ўртача арифметик қиймат (\bar{X}, \bar{Y})	3,6	4	3,7	3,7
	Самарадорлик кўрсаткичи η	1,11		1,0	
	Ўртача қиймат стандарт хатолик (D_m, D_n) дисперция	0,5	0,44	0,5	0,47
	Аниқланиш кўрсаткичи (δ_x, δ_y) (вариация)	0,2	0,17	0,19	0,19
	Стъудент статистикаси (Z)	3,33		0,1	
	Ўртача қиймат ишонч оралиғи a_x, a_y	[3,52;3,68]	[3,93;4,07]	[3,62;3,78]	[3,62;3,78]
	Кўрсаткичлар хулосаси	Н ₁ гипотеза қабул қилинади		Н ₀ гипотеза қабул қилинади	

Фаолиятли	Ўртача арифметик қиймат (\bar{X}, \bar{Y})	3,6	3,9	3,7	3,6
	Самарадорлик кўрсаткичи η	1,08		0,97	
	Ўртача қиймат стандарт хатолик (D_m, D_n) дисперция)	0,5	0,44	0,5	0,45
	Аниқланиш кўрсаткичи (δ_x, δ_y) (вариация)	0,2	0,17	0,19	0,19
	Стьюдент статистикаси (Z)	3,33		0,1	
	Ўртача қиймат ишонч оралиғи a_x, a_y	[3,52;3,68]	[3,83;3,97]	[3,62;3,78]	[3,53;3,67]
	Кўрсаткичлар хулосаси	Н ₁ гипотеза қабул қилинади		Н ₀ гипотеза қабул қилинади	
Мотивацион	Ўртача арифметик қиймат (\bar{X}, \bar{Y})	3,6	3,9	3,7	3,6
	Самарадорлик кўрсаткичи η	1,08		0,97	
	Ўртача қиймат стандарт хатолик (D_m, D_n) дисперция)	0,49	0,42	0,5	0,45
	Аниқланиш кўрсаткичи (δ_x, δ_y) (вариация)	0,19	0,17	0,19	0,19
	Стьюдент статистикаси (Z)	3,33		0,1	
	Ўртача қиймат ишонч оралиғи a_x, a_y	[3,52;3,68]	[3,83;3,97]	[3,62;3,78]	[3,53;3,67]
	Кўрсаткичлар хулосаси	Н ₁ гипотеза қабул қилинади		Н ₀ гипотеза қабул қилинади	

Олинган натижалар тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан ўртача $(1,08+1,11+1,08):3=1,09$ баравар юқори эканлигини кўрсатди. Юқорида олиб борилган математик – статистик таҳлилидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тажриба гуруҳларида қўлланилган тармоқ технологиялари фанини SMART-технологиялар асосида ўқитиш методикаси самарадорлиги юқори бўлиб, ўтказилган тажриба – синов ишлари таҳлиллари уни Республикамиз педагогика олий таълим муассасаларида жорий этишга асос яратади.

ХУЛОСАЛАР

1. Фан-техниканинг жадал суръатлар билан тараққиётини, рақамли иқтисодиётнинг ижтимоий ҳаётга таъсирини эътиборга олган ҳолда республика педагогика олий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари фани мавзулари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг педагогика олий таълим муассасалари фан дастурлари таҳлилларига кўра тизимлаштирилиб, булутли технологиялар, IoT–буюмлар интернет, NB-IoT технологияси, Smart Campus, LPWAN ва LoRaWAN, симсиз тармоқ

технологиялари (Wibree, ZigBee, UWB, Wireless HD) каби замонавий тармоқ технологиялари тушунчаларни киритиш орқали бойитилди.

2. Тадқиқот давомида SMART-технологияларнинг дидактик жиҳатлари таҳлил этилиб, тармоқ технологиялари фанининг ўқитиш методикасини такомиллаштиришда талабалар мустақиллигини ривожлантириш орқали ўқув-билиш фаолиятини интеллектуаллаштириш, ҳамкорликда ишлаш, олинган янги билимларни тезкор текшириш, ўқитувчи ва бошқа талабалар билан алоқани самарали ташкил этиш каби “ақлли” имкониятлари очиб берилди.

3. Тармоқ технологиялари фанига оид касбий компетенцияларни шакллантириш муаммоси таълим мазмуни, ўқитиш шакллари, усуллари ва воситаларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарганлиги туфайли талабаларнинг ушбу фан бўйича билим, кўникма ва касбий компетенциялари Б.Блум таксономияси асосида белгиланиб, ишлаб чиқилган интеллектуал, фаолиятли ва мотивацион баҳолаш мезонлари бўйича репродуктив, продуктив ҳамда ижодий даражалари аниқланди.

4. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган педагогика олий таълим муассасаларида тармоқ технологиялари фанининг SMART-технологияларга асосланган ўқитиш методикаси электрон дидактик материаллар: мавзуларга оид медиаресурслар, тармоқ технологиялари бўйича тематик веб-сайт ва тармоқ лойиҳаларини яратувчи симулятор дастурларининг ўзаро интеграциялашган таълим муҳитида шакллантирилди. Ушбу яратилган SMART-технологияларга асосланган интеграциялашган таълим муҳитида тармоқ технологиялари фани маъруза машғулотларида «Flipped classroom», лаборатория ва мустақил таълимда муаммоли ва ҳамкорлик методларини қўллаш асосида такомиллаштирилди.

Педагогик тадқиқот давомида ишлаб чиқилган илмий ғоялар ва берилган тавсиялар асосида ўтказилган тажриба – синов ишларидан олинган статистик таҳлил натижалари юқори самарадорликни кўрсатди.

Юқорида келтирилган хулосаларни инобатга олиб қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тармоқ технологиялари фани бўйича яратилган интегратив электрон ўқув қўлланмадан педагогика олий таълим муассасаларининг 5110700 - информатика ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишида таълим олаётган талабаларнинг ўқув-ижодий фаолиятини ривожлантириш бўйича ўқув жараёнига татбиқ этиш лозим.

2. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тармоқ технологиялари фанининг SMART-технологиялар асосида интеграциялашган таълим муҳитидаги такомиллаштирилган методик таъминотидан фойдаланган ҳолда бошқа фанларга жорий этиш таклиф этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

БЕГБУТАЕВ АЗЗАМ ЭШПУЛАТОВИЧ

**МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ДИСЦИПЛИНЫ “СЕТЕВЫЕ
ТЕХНОЛОГИИ” НА ОСНОВЕ SMART-ТЕХНОЛОГИЙ**

13.00.02-Теория и методика обучения и воспитания

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.PhD/Ped1096.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации опубликован на 3-х языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице научного совета (tuit.uz.ilmiy-kengash) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Закирова Феруза Махмудовна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Юнусова Дилфуза Исраиловна
доктор педагогических наук, профессор

Юсупов Озод Раббимович
доктор философии по техническим наукам (PhD)

Ведущая организация: Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится 27 декабря 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий в режиме **on-line** на платформе Zoom. **Идентификатор Zooma: 330 044 4963.** **Код доступа: 1.** (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 233). (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан « 14 » декабря 2021 года.
(протокол рассылки № 8 от « 13 » декабря 2021 г.).



И.Х. Сиддиков
Председатель Научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.т.н, профессор

Х.Э. Хужаматов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.ф.т.н (PhD), доцент

У.Р. Хамдамов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В Концепции международного образования 2030 года, принятой международными организациями (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ООН) и развитыми странами, подчеркивается, что образование является ключевым фактором социального развития и важным фактором достижения целей в области устойчивого развития. Технологии виртуального обучения, открытые онлайн-курсы, технологии мобильного обучения, системы управления образованием и модели электронного обучения эффективно используются для обеспечения качественного образования. Это требует преемственности и практической направленности обучения, развития творческих способностей студентов, совершенствования механизмов использования современных средств электронного обучения на основе информационно-коммуникационных технологий при формировании профессиональных компетенций.

Сегодня по индексу развития информационно-коммуникационных технологий (ICT Development Index) в ведущих странах мира (Южная Корея, Дания, Швеция, США, Сингапур) ведутся научные исследования организационно-методических основ обучения в сфере образования направлено на внедрение интегративных методов и SMART-технологий. Результаты исследования показали, что особое внимание уделяется увеличению объема научных разработок, связанных с оптимальными подходами к применению при проведении обучения по дисциплине сетевые технологии на основе SMART-технологий.

В нашей стране одним из приоритетов является гармонизация системы образования с международными образовательными стандартами, обеспечение качества и конкурентоспособности обучения в высших образовательных учреждениях, повышение качества высшего образования на основе мировой практики, разработка эффективных инновационных методов непрерывного образования. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан включает в себе такие приоритеты, как «стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов их реализации, создание специализированных исследовательских и экспериментальных лабораторий, центров высоких технологий и технопарков в вузах и научно-исследовательских институтах».¹ В связи с этим для развития профессиональных знаний и компетенций студентов по сетевым технологиям в педагогических вузах важно совершенствовать методику преподавания сетевые технологии на основе SMART-технологий и разработать модель интегрированной среда обучения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Указах Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»// Собрание законодательных актов Республики Узбекистан. – Т., 2017. – С. 38

Узбекистан № УП-6079 «О мерах по утверждению Стратегии «Цифровой Узбекистан - 2030» и ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года, № УП-5953 «О Государственной программе реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в год - науки, просвещения и цифровой экономики» от 2 марта 2020 года, № УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, № УП-5712 «Об утверждении концепции развития системы народного образования до 2030 года» от 29 апреля 2019 года, № ПП-4672 «О мерах по дальнейшему развитию сферы педагогического образования» от 27 февраля 2020 года, № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых комплексных реформах в стране» от 5 июня 2018 года, а также в ряде других, касающихся этой деятельности, нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Теория и методология внедрения информационно-коммуникационных технологий в образование, методы использования интернет-технологий в учебном процессе, проблемы использования технологий дистанционного обучения в Республике исследовали ученые М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Ф.М.Закирова, М.Х.Лутфиллаев, М.М.Мамараджабов, Д.Н.Маматов, Н.И.Тайлаков, С.К.Турсунов, М.Р.Файзиева и другие ученые. В странах Содружества Независимых Государств научные исследования в данной области проводили А.А.Антоников, Л.М.Ивкина, А.Ю.Михайлишин, Ю.А.Горохова, Н.Г.Сабитова, А.Е.Сатунина, а также в работах ученых дальнего зарубежья J.Nylander, F.Olsen, Q.Zondervan, M.Soni, D.Evans.

Теоретические и практические аспекты использования облачных технологий, SMART-технологии и IoT – (Internet of Things) в образовательном процессе, а также концепции SMART-образования изучали ученые нашей страны А.А.Абдукодиров, О.А.Парпиев, Р.К. Камилов, Б.Б.Элов; в странах Содружества Независимых Государств: И.Г.Борисенко, К.Н.Данилов, Н.В.Днепровская, А.Гальчук, Р.В.Киричек, А.А.Алетдинова, А.Б.Ширяй, Г.А.Поллак, Ю.Д.Мамыкова, В.П.Тихомиров, А.А.Кайгородцев; зарубежные исследователи М. В.Abbasy, P.G.High, M.A.Feki, M.J.Timms, H.Nakashima, S.Agarwal, Q.Zondervan, R.M.Chory, I.Kamar, Jinjiao Lin, Zhu Zhiting. Также, проблемы преподавания предмета «Сетевые технологии» изучались в научных исследованиях ученых нашей страны М.М.Мусаева,

Х.Зайниддинова, И.А.Юлдашева; из стран Содружества Независимых Государств О.И.Ляш, Н.И.Рыжова, Р.В.Киричек, В.Г.Олифер, В.Г.Кобылянский, В.Е.Бельченко, И. В. Роберта и ученых дальнего зарубежья Q. Ouyang, F. Kurose, T. Zhang, M. De Domenico, A. Tanenbaum.

Анализ имеющихся научных работ показал, что совершенствование методов обучения сетевые технологии в интегрированной учебной среде при помощи SMART-технологий в процессе подготовки будущих учителей информатики не изучалась в монографической основе в качестве педагогической проблемы.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование было выполнено в рамках проекта плана Научно-исследовательского института педагогических наук Узбекистана PZ-2014-0910154408 - «Создание и внедрение информационно-коммуникационной среды в общеобразовательных школах».

Целью исследования является совершенствование методики преподавания сетевые технологии в педагогических высших образовательных учреждениях на основе SMART-технологий.

Задачи исследования:

обогащать содержания дисциплины на основе изучения, анализа состояния преподавания сетевые технологии и выявления существующих проблем;

